

Исломда аслида фарзандларга ким тарбия бериши керак. Отами ёки онами?

16:02 / 26.04.2016 3637

САВОЛ: Менинг учта ўғлим бор. Мен ишлайман ва аёлим ҳам ишлаш хоҳишини билдирди. Лекин мени кўпроқ фарзандларим тарбияси ўйлантиради. Исломда аслида фарзандларга ким тарбия бериши керак. Отами ёки онами?

ЖАВОБ: Исломда фарзандлар тарбияси ота-онанинг зиммасида. “Боланинг тарбияси аёлга, болаларнинг тарбияси билан ишим йўқ. Кўчага бориб ишлашим керак.” деган маънода ота ўзини тарбиядан фориғ қилиб, масъулиятсизлик қилиши мумкин эмас. Фарзандларнинг тарбиясида отанинг ҳам онанинг ҳам ўзига яраша бурч вазифалари бор. Мана шу вазифаларни ҳар бир киши ўз жойида қойилмақом қилиб бажариши зарурдир. Албатта ўй ичидаги болаларнинг тарбияси оналарнинг зиммасида бўлади. Чунки оналар уларни қоринларида кўтарганлар, туққанлар ва эмизиб катта қилишлари лозим ва ундан кейин ҳам уларни тарбиясига эътибор бериш, мана шу болани эмиш пайтидаги ҳолатлари доимий равишда онасига тушиб туриши эътиборидан аёлларнинг масъулияти кўп бўлади. Оилани моддий тарафдан таъминлаш эса турар жой, озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаш, истироҳат, даволаниш, дам олиш ва шунга ўхшаш қандай сарф ҳаражат бўлса эркакни бўйнидаги вожиб ҳисобланади. Аёлни нафақаси, фарзандларнинг нафақаси оила бошлиғи бўлган эркакга вожиб амалдир. Эркак киши ўз оиласини тебратишга қурби етаётган бўлса, аёлнинг талабларига жавоб бериш, фарзандларининг тарбиясига етадиган сарф ҳаражатни тайёрлаб қўйиш зиммасида бўлса аёлига яхшилик билан тушинтириб, фарзандларнинг тарбияси ўта муҳим эканлиги, фарзандлар тарбияси бошқа вазифалардан устун эканлигини тушинтириб, фарзандлар тарбиясига алоҳида эътибор беришни илтимос қилиш, таклиф қилишга эркакни ҳаққи албатта бўлади. Бу нарсани келишиб тушинган ҳолда адо этилса, иншааллоҳ оилалар мустаҳкам орадаги муҳаббатлар бардавом ва болаларнинг тарбияси қойилмақом бўлади.